

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбасковна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
<b>46. Муминов А., Норов Ш.</b> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
<b>47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.</b> АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
<b>48. Мўминова Г.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
<b>49. Муталлибжонов М.М.</b> ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
<b>50. Нафиддинова Х.Р.</b> БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
<b>51. Норматов О.</b> ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	398
<b>52. Нурматова М.М.</b> ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
<b>53. Пардаев А.А.</b> ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
<b>54. Примова Ф.А.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
<b>55. Расулов А.М.</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
<b>56. Расулов Ҳ.М.</b> ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ  
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**  
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА  
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**  
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN  
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**  
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**  
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ  
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ  
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ  
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**  
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**  
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ  
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ  
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**  
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ  
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Расулов Азизхон Мухамадқодирович,  
Фаргона давлат университети, ўқитувчи

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

*For citation: Rasulov Azizkhan Muxamadkodirovich. THE ROLE OF THE MEDIA IN THE HISTORY REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, SI, pp.424-428*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-55>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик даври тарихида тутган ўрни, шаклланиши, ривожланиши ва ҳуқуқий асослари ёритиб берилган. ОАВга оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг яратилиши, қонунчилик тизимидаги ислоҳотлар ва уларнинг фуқаролик жамиятини қуришдаги аҳамияти ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Мустақиллик, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, демократия, қонун, давлат, ҳокимият, фармойиш, ҳужжат, Оммавий ахборот воситалари, матбуот, телевидения, радио, интернет, цензура, ислоҳот, тизим, сўз эркинлиги.

Расулов Азизхон Мухамадқодирович,  
Ферганский государственный университет, учитель

## РОЛЬ СМИ В ИСТОРИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНА

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается роль, становление, развитие и правовые основы СМИ в истории независимости Республики Узбекистана. Роль СМИ в разработке правовых документов, реформировании правовой системы и формировании гражданского общества.

Ключевые слова: Независимость, Олий Мажлис, Конституции Республики Узбекистан, демократия, закон, государство, власти, регулирование, документ, СМИ, пресс, телевидения, радио, интернет, цензура, реформа, система, свобода

СЛОВА.

Rasulov Azizkhan Muxamadkodiurovich,  
Ferghana state university, teacher

## THE ROLE OF THE MEDIA IN THE HISTORY REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ABSTRACT

The article describes the role of the media in the history of Republic Uzbekistan independence, formation, development and legal framework. The creation of media documents, legislative reforms, and their role in building civil society.

**Index Terms:** Independence, Oliy Majlis, Constitution of the Republic of Uzbekistan, democracy, the law, the state, power, order, document, media, press, television, radio, internet, censorship, reform, system, freedom of speech.

Долзарблиги. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида оммавий ахборот воситалари масаласига алоҳида урғу берилаётгани Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки даврида бу соҳани "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтариш борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган узвий ислохотларнинг мантиқий давомидир. Мустақиллик йилларида оммавий ахборот соҳасини тартибга солувчи ва ривожланишини белгилаб берувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга кенг тадбиқ этилди. Шунга қарамай мазкур соҳага оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга шиддатли ривожланиш жараёнида ўзгартириш ва ёки қўшимчалар киритилишини замон ва даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шунинг сабабдан ҳам мустақиллик даври тарихини тадқиқ этувчилар учун мазкур жараёнларни ўрганиш ва ҳолисона баҳо бериш муҳим вазифа ҳисобланади.

### 2.Методлар:

Маълумки оммавий ахборот воситаси - содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги барча маълумотларни тўплаб, қайта ишловчи ва уларни янгилик-ахборот сифатида оммага этказиб берувчи муассаса ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўзида матбуот, радио ва телевидение хусусиятлари ҳамда имкониятларини мужассамлаштирган, ахборот етказиб бериш даражаси бўйича тезкорликда ва кўламдорликда мукамал бўлган интернет шиддат билан ҳаётимизга кириб бормоқда. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллангириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган 10 га яқин қонун ҳужжати қабул қилиниб, бу борада мустақкам ҳуқуқий база яратилди. [ 2,Б.499]

Бугунги кунда ОАВ Ўзбекистонда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби ихтисосликларда фаолият олиб боради. Мазкур соҳанинг кўлами ва фаолияти долзарблиги қонунчилик механизмининг янада такомиллаштириш, эркин фаолият юритиш учун зарур шароит яратиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Бу борада президент Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 27-июн куни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида "Гезеталаримиз, теле-радиоканалларимизда ошкоралик таҳлил ва холис танқид руҳи кучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар

сони ортиб бораётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз" деган эди. [3,Б.1]

### 3.Тадқиқот натижалари:

Инсоннинг фикрлаш, сўз ва матбуот эркинлигини тўғридан тўғри таъминлашга қаратилган оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми конституциявий қоидалар билан белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 67-моддаси бунга мисол бўла олади. Унда қайд этилганидек: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Сензурага йўл қўйилмайди".[1,Б.14]

Ўзбекистон тарихида биринчи марта оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги принципи конституциявий қоида тариқасида ушбу модда негизида мустаҳкамлаб қўйилган. Энг муҳими, сензура бекор қилинди. Сензуранинг тақиқланиши билан оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказилишининг олди олинди. Ушбу конституциявий қоида оммавий ахборот воситалари чинакам эркин фаолият юритишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, жамиятнинг янгиланиши жараёнида мислсиз аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур конституциявий қоида оммавий ахборот воситалари қонунчилигининг асоси бўлган бир қанча қонунлар қабул қилинишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоят муҳим шарти - бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун андозаларни жорий этиш бўйича аниқ чораларни амалга оширишдир.[4,Б.25] Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш масалалари ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш борасидаги асосий вазифалардан бири этиб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари эркинлик берилиши ва бу эркинликнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилиши мустақиллик билан бевосита боғлиқ жараён бўлиб, эски тузум-совет ҳокимияти даврида маъмурий буйруқбозлик тизими ва шахсга сифиниш мустаҳкам қарор топганлиги туфайли ҳатто очиқ ахборот ҳам махфийлаштирилган эди. Республикада ҳали мустақиллик эълон қилинмай туриб, 1991 йил 14 июнда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. [5,Б.56] Унда белгиланишича, "Ўзбекистон ССРда барча оммавий ахборот воситалари эркиндир. Ушбу қонун Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида ҳар бир фуқаронинг сўз эркинлигига, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига кафолат беради. Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, танлаш, қабул қилиш ва оммалаштиришда қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Оммавий ахборот воситаларини сензура қилишга йўл қўйилмайди", деб таъкидлаб қўйилган эди. Шу йўл билан фуқароларнинг ўз фикрларини эркин тарзда матбуотда ёзма ёки оғзаки чиқишларда ифодалаш ҳуқуқи, яъни сўз эркинлиги илк бор қонун асосида кафолатланган. 1995 йил 6 майда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг VIII бўлимига мувофиқ ушбу қонунга муайян ўзгартиришлар киритилди. [6,Б.80] Бу қоидалар оддий қонун даражаси билан чекланиб қолмай, балки оммавий ахборот

воситаларининг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, асосий Қонун - Конституция даражасига кўтарилди. Олий мажлисининг 1997 йил 26 декабрдаги қарорига мувофиқ "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги янги қонун амалга киритилиши муносабати билан "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги 1991 йилги қонун ва унга 1995 йилда киритилган ўзгартишлар ўз кучини йўқотган деб топилди. 1991 йилги қонуннинг "Сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситаси" деб номланган 2-моддаси қоидалари 1997 йилги қонунда янада мукамаллаштирилган ва 3 та алоҳида модда - "Оммавий ахборот воситалари эркинлиги", "Сўз эркинлиги" ва "Сензурага йўл қўйилмаслиги" шаклида белгилаб қўйилган. [6,Б.63]

#### 4.Хулосалар:

Қонунда оммавий ахборот воситалари эркинлиги тушунчаси билан сўз эркинлиги тушунчасининг ҳар бири алоҳида таърифлангани муҳим янгиликдир. Яъни, 2-моддада: "Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади", деб белгиланган бўлса, 3-моддада: "Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эгадир" деган қоида билан сўз эркинлигига ихчам, аниқ ва равшан таъриф берилган. [6,Б.63]

Сензурага йўл қўйилмаслигига оид қоида 4-моддада қуйидагича ривожлантирилган: "Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини сензура қилишга йўл қўйилмайди. Эътибор қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ". [6,Б.63-64]

Ўзбекистонда 5 мингдан ортиқ нодавлат ноижорат ташкилот, 870 дан ортиқ газета ва журналлар 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостантсияси фаолият кўрсатганига асосланиб, мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтларини фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, ОАВларни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди деб хулоса қилиш мумкин. Агар истиқлолимизнинг дастлабки йилларида Республикада 475 та ОАВлар бўлган бўлса, 2009 йилга келиб, бу рақам 1110 тани ташкил этган. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатар эди. [7,Б.45]

Мустақиллик даври тарихи давомида ОАВ сони тўрт баробарга кўпайиб, 1500 тани ташкил этмоқда. Интернет тармоғида UZ доменли веб-сайтлар ва ахборот порталлари сони ҳам йилдан-йилга ошиб бораётганини кўриш мумкин.

#### Иқтибослар/Сноски/References

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2012 й. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: Uzbekistan, 2012 year.)

[2] Мирзиёев Ш. Асарлар. 1-жилд. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017 й. (Sh.Mirziyoyev. Works. 1-folder. We will continue to follow the path of national development and take it to a new level. - Tashkent: Uzbekistan, 2017 year.)

[3] Мирзиёев Ш. <http://www.president.uz/uz/lists/view/1864>

[4] Каримов И. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. - Т.: Ўзбекистон, 2005 й. (I.Karimov. Uzbekistan is at a new stage of democratic development. - Tashkent: Uzbekistan, 2005 year.)

[5] Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил, 30 август, № 8. (Bulletin of the Supreme Council of the Republik of Uzbekistan 1991 year, 30 august, № 8.)

[6] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, июн, № 6. (Bulletin of the Supreme Council of the Republik of Uzbekistan 1995 year, june, № 6.)

[7] И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузани ўрганиш бўйича услубий қўлланма. - Т.: - 2010 й. (Textbook on the study of I.Karimov speech at the joint session of the Legislative Chamber and the Senate of the Oliy Majlis of Republik Uzbekistan on January 27, 2010. - Tashkent.: 2010 year.)

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000